БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 278 (17.560). • 4 декабрь 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

## ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

**Шўрчи райони** — район партия комитетининг биринчи секретари ўрток Умаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Бегматов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сулаймонова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бекмуродов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Оқбергенов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Датчук;

**Сариосиё райони** — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Менглиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Номозов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедов, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Карандашов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов;

**Бувайда райони** — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Абдуллаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Қулматова, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Эргашев.

# ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

Совет мамлакати беш йилликнинг тўртинчи йилини тугалламоқда ва унинг бешинчи, якунловчи йилига қадам қўйишга ҳозирлик кўрмоқда. Бу йил навбатдаги, ўн биринчи беш йиллик учун негиз бўлади, КПСС XXVI съездига актив тайёргарлик кўриладиган йил бўлади.

Беш йиллик бошлангандан бери ўтган давр халқимизнинг саботли бунёдкорлик меҳнати билан нишонланди. Совет кишилари коммунистлар партияси раҳбарлигида КПСС XXV съезди қарорларини бажариш учун кунт билан ишладилар, жўшқин, мазмундор ҳаёт кечирдилар ва кечирмоқдалар. Уларнинг ўз кучларига ишончи комил, ички сиёсатда ҳам ташқи сиёсатда ҳам партия ленинча тўғри йўлдан бораётганига улар ғоят аминдирлар. Бу йўл — Ватан иқтисодий ва маънавий бойлигини янада ошириш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш йўлидир; совет кишиларининг фаровонлигини ошириш йўлидир; Ер юзида халқларнинг тинчлиги, ҳамкорлиги йўлидир.

КПСС Марказий Комитетининг куни кеча бўлиб ўтган Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг иккинчи сессияси бунинг яққол далили бўла олади. Шу Пленум ва сессияда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани ҳамда Давлат бюджети лойиҳалари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар, қонунлар қабул қилинди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев катта ва ёрқин нутқ сўзлади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида экономикамиз, беш йилликнинг тўрт йили якунлари ва унинг якунловчи йилидаги планлар чуқур, атрофлича таҳлил этилди. Яқин вақт ичида ва келгусида ҳал этиладиган вазифалар қўйилди, камчиликлар, танг жойлар очиб ташланди, уларни бартараф этиш йўллари, партия билан халқ олдида турган вазифаларни ҳал этиш воситалари кўрсатиб берилди.

Советлар мамлакати беш йиллик бошлангандан бери КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, халқ хўжалигини ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини янада юксалтиришда, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда анчагина олға силжиди.

Миллий даромаднинг ўсиши экономика юксалишининг умумлашма кўрсаткичи экани маълум. Тўрт йил мобайнида миллий даромад тўққизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан 16,2 процент ёки 323 миллиард сўмлик миқдорда кўпаяди. Халқ хўжалигининг негизини ташкил этувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари шу йилнинг охирига бориб, бир триллион сўмликдан ошади, бу фондларнинг қарийб учдан бир қисми янгиланади. Қурилишимиз миқёслари ғоят катта капитал маблағлар 500 миллиард сўмдан ошади. Мингга яқин йирик корхона қурилди, улар орасида Саян-Шушенск ГЭСи, КамАЗ, «Атоммаш» сингари азим индустрия корхоналари бор. БАМда 1.500 километрдан кўпроқ из ётқизилди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси кенгайтирилмоқда ва янгиланмоқда. Тўрт йил мобайнида меҳнатнинг машина билан таъминланиши 40 процент ортади. Қишлоқ хўжалиги 1,5 миллионта трактор, 426 мингта дон комбайни ва кўп миқдорда бошқа машина-механизмлар, 317 миллион тонна ўғит олди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти тўрт йил ичида 40 миллиард сўмликдан зиёд кўпаяди. Шу давр ичида доннинг ўртача йиллик ялпи ҳосили 209 миллион тоннага етди ёки тўққизинчи беш йилликдагидан қарийб 27 миллион тонна кўпайди. Бу йил об-ҳаво шароитлари ҳаддан ташқари оғир келишига қарамай 179 миллион тонна дон олинди.

Хўжалик қурилишидаги муваффақиятлар асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар тўрт йил мобайнида 13 процентдан зиёд ортади, чакана товар обороти таққослама нархларда 18 процент, маиший хизмат ҳажми учдан бир ҳисса кўпаяди. 423 миллион квадрат метр уй-жой бинолари, кўпдан-кўп болалар боғчалари, мактаблар, касалхоналар, маданият муассасалари қурилди.

Хуллас, партия XXIV ва XXV съездлари белгилаб берган иқтисодий ва социал сиёсатни рўёбга чиқаришда катта иш қилинди.

«Муваффақиятлар яққол кўриниб турибди, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев. — Бу муваффақиятлар оз эмас. Ана шу муваффақиятларни биз 1980 йилги халқ хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун, коммунизмнинг моддий-техника базасини бунёд этиш йўлида дадил олға босиш учун яхши негиз деб биламиз».

Аммо бу гаплар иш якунларидан тўла-тўкис мамнун бўлиш мумкин, деган маънони билдирмайди. Халқ хўжалигининг баъзи бир соҳаларида аҳвол мураккаблигича турибди. 1980 йилги топшириқлар бир қанча позициялар бўйича беш йил учун белгиланганидан камроқ. Мана шу камчиликлар ва танг жойларнинг бош сабаби шундан иборатки, деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш соҳасида планда белгиланганидек олға силжишга муваффақ бўлинмади. Бир қанча министрликлар ва идоралар инерция кучини енгиб ўтиб, бутун ишни сифат томонига, меҳнат унумдорлигини ошириш, энг яхши пировард натижаларга эришиш томонига буриб юборишни охирига етказа олмадилар. Бу натижалар — бизнинг имкониятларимиздан камроқдир.

Ёқилғи-хом ашё базасини, энергетика, металлургия, машинасозлик, химия саноатини, бошқа саноат тармоқларини янада ривожлантириш ишлари сабот билан ўтказилмоғи лозим,—дейилади КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида. — Темир йўл ва транспортнинг бошқа турлари ишини яхшилаш учун резерв ва имкониятлардан имкони борича кўпроқ фойдаланилсин; асосий ишлаб чиқариш фондлари самарасини оширмоқ, меҳнат, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва молия ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланилсин.

Юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг хилма-хил турларини етарли миқдорда ишлаб чиқариш, меҳнаткашларни шу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш— партиянинг халқ фаровонлигини юксалтириш йўли ўртага қўяётган энг муҳим вазифаларининг биридир. Озиқ-овқат, гўшт-сут ва енгил саноат ишини, савдо-сотиқни яхшилаш керак. Табиийки, қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай туриб, бу вазифани ҳал этиб бўлмайди. Партия бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигига катта маблағ сарфлай беради. «Айни вақтда, — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев, — биз маблағ ва техникадан оқилона фойдаланиш учун, қишлоқдаги моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши мамлакатнинг озиқ-овқат таъминоти даражасига янада сезиларли таъсир ўтказиши учун талабчанликни оширишга ҳақлимиз, талабчанликни оширишимиз керак». Шу мақсадда аввало дала ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги ўсишини таъминлаш зарур. Пленум чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга, чорва туёғи камайишига йўл қўймасликка, кўкламги дала ишларига яхши тайёргарлик кўришга, 1980 йилги давлат планларини тўла ва ошириб бажаришга чақирди.

Капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволига алоҳида эътибор бериш лозим. Капитал маблағ самарадорлигини ошириш, янги бошланадиган қурилишлар сонини қисқартириш, бутун куч ва маблағни ишга тушириладиган объектларга, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга жамлаш, қурилиш сифатини яхшилаш лозим.

Олға томон қилаётган ҳаракатимизнинг имкониятлари, резервлари жуда катта. Аммо бу имконият ва резервлардан фойдаланиш учун том маънода бошқарув савиясини ошириш зарур, деди Л. И. Брежнев. Ёзда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети планлаштиришни ва бутун хўжалик механизмини яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу механизмни қайта қуриш, уни такомиллаштириш катта хўжалик-сиёсий вазифадир. Белгиланган тадбирларнинг бажарилишини доимо сезгирлик билан контроль қилиб туриш керак.

Планлаштириш ва бошқаришда марказлаштирилган негизни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш муҳимдир. Шу билан бирга сиёсатда ҳам, экономикада ҳам бизга қуйидан бўладиган ташаббус учун кенг уфқ очиб берадиган демократик централизм кераклигини унутиш ярамайди. «Бу талаб, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев, — бизнинг дунёқарашимиздангина эмас, шу билан бирга иқтисодий заруратдан ҳам келиб чиқади. Қуйидан бўладиган ташаббус — иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган негизимиздир».

Партиянинг принципиал йўл-йўриқлари асосида иш услуби ва методларини такомиллаштириш, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш, топшириқлар ва қабул этилган қарорларнинг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш, қаттиқлаштириш, хўжасизлик, белгиланган план ва нормаларни бузиш ҳолларига нисбатан оператив равишда қаттиқ чора кўриш — барча партия ва хўжалик органларининг, барча раҳбарларнинг бурчидир. Топширилган иш учун ҳар бир кишининг, айниқса, раҳбар ходимнинг шахсий масъулиятини ошириш, омилкорлик билан пухта ўйланган кадрлар сиёсатини ўтказиш, ижодий фикрлайдиган серғайрат, ташаббускор кишиларни дадиллик билан кўтариб қўйиш ва ишни уддаламаётган кишиларни алмаштириш зарур.

Янги беш йилликда бошқарувни такомиллаштириш юзасидан муҳим тадбирларни амалга ошириш — экономика структураси ва пропорцияларида катта-катта ўзгаришларни таъминлаш, таркиб топган тармоқ ва территориал алоқаларни яхшилаш, камроқ чиқим қилиб энг кўп ва тез самара олиш мумкин бўлган бўғинларни аниқлаш лозим. Бу ўринда ўн биринчи беш йиллик планини пухта тайёрлаши лозим бўлган Госпланнинг роли, айниқса, катта.

Янги беш йилликнинг принципиал негизи равшан. «Бу негиз халқ фаровонлигини изчиллик билан оширишдан иборат, — деб уқтирди Л. И. Брежнев. — Партиянинг самарадорлик ва сифатни ошириш йўлини икки ҳисса, уч ҳисса зўр ғайрат билан турмушга татбиқ этиш зарур. Бундан бошқа йўл йўқ, зотан, бу йўл ўн биринчи беш йилликда муттасил ўтказилиши керак».

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани ва СССР Давлат бюджети СССР Олий Советининг сессиясида якдиллик билан тасдиқланди ва шу тариқа қонун бўлиб қолди.

1980 йилги план КПСС XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришда муҳим бўғиндир. Бу план экономикани ва унинг самарадорлигини янада ўстиришни, саноат ва қишлоқ хўжалигини муттасил ривожлантиришни, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашни, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтиришни кўзда тутади. Планда баён этилган катта социал программа халқ фаровонлигини изчиллик билан юксалтиришни, фан ва маданиятни, маориф ва соғлиқни сақлашни, маиший хизмат ва социал таъминотни ривожлантиришни назарда тутади. Мана шуларнинг ҳаммаси партия билан давлатнинг меҳнат аҳли тўғрисидаги, унинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ҳақидаги ғамхўрлигининг янги ифодасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва пропорционал ривожлантиришни таъминлаш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларидаги иш самарадорлиги ва сифатини ошириш зарурлигини таъкидлади. Меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқаришни интенсивлашни фан-техника тараққиёти асосида жадаллаштиришга, экономикани планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Мана шу ва бошқа муҳим вазифаларнинг ҳал этилишида партия олимларининг, барча илмий муассасаларнинг амалий ёрдамига умид қилади.

Планни бажариш учун омманинг меҳнат ғайратини кучайтириш, социалистик мусобақани янада кенг авж олдириш, уни сифат кўрсаткичларига йўналтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга ёрдам берувчи илғор тажрибани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш лозим. Халқ мулкини эҳтиёт қилиб асраш, резервлардан оқилона фойдаланиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш керак. Ҳозирги пайтда ташкилий, оммавий-сиёсий, мафкуравий ишнинг асосий йўналишлари мана шундан иборат.

СССР Олий Советининг сессияси халқ контроли, Олий суд тўғрисида, СССР Прокуратураси, СССРда Давлат арбитражи ҳақида, адвокатура тўғрисида қонунлар қабул қилди. Бу қонунлар ССР Иттифоқи Конституциясининг қоидаларини конкретлаштиради ва ривожлантиради, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашади. Энди партия органларининг, коммунистларнинг бурчи бу қонунларнинг мазмунини, чуқур демократизмини тушунтириб беришдан, энг муҳими эса — шу қонунларнинг оғишмай ижро этилишига актив ёрдам беришдан, оммани андаккина қонун бузишларга қарши, совет социалистик ҳуқуқ-тартиботидан четга чиқишларга қарши курашга отлантиришдан иборат. Қонунларнинг қатъий, сўзсиз бажарилиши — бутун хўжалик механизми муваффақиятли ишлашининг зарур шартидир.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг ва СССР Олий Советининг сессиясининг қарорларини ҳар бир коллективга, ҳар бир совет кишисига, ҳар бир коммунистга етказиш, улар мана шу қарорларнинг амалга оширилиши учун конкрет нима ишларни қайси муддатда қилишлари кераклигини аниқ белгилаб бериш — энг муҳим вазифадир. Ишни омилкорлик билан пухта ташкил этиб, ҳамма жойда самарали меҳнат қилиш учун қулай шароитларни яратиб, шу тариқа ҳамма коллективларнинг давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришларини таъминлаш керак. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари халқ меҳнати ва курашининг улуғворлигини чуқур, яққол, тушунарли тарзда кўрсатиб беришлари, ижодий ташаббусларни, илғор методларни актив қўллаб-қувватлашлари, камчиликларни қаттиқ танқид қилишлари ва уларнинг тузатилишига кўмаклашишлари лозим.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг сессияси қарорларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг фаолиятини астойдил маъқулламоқдалар. Ленин партияси теварагида жипслашган совет кишилари В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб равишда кутиб оладилар, беш йилликнинг якунловчи йили — 1980 йилни коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан нишонлайдилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 2 декабрдаги бош мақоласи).



## ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ, ШУДГОР ҚИЛ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Ильич райони деҳқонлари бу йил пахтадан мисли кўрилмаган улкан хирмон кўтаришди. Бу ерда 66 минг 500 тоннадан зиёд пахта тайёрланиб, зиммага олинган оширилган социалистик мажбурият ҳам шараф билан бажарилди. Шу кунларда район хўжаликларида келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин тайёрланмоқда. Жумладан, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 150 процентдан ошириб бажарган Узоқов номли совхозда экин майдонларини шудгорлаш қизғин давом эттирилаётир. Бу ерда шудгорлаш олдидан кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда райондаги қатор хўжаликларнинг уста пахтакорлари, хўжалик раҳбарлари иштирок этдилар.

Узоқов номли совхоз далаларида ҳозирда 16 та ҳайдов трактори зўр унум билан ишлатилмоқда. Ҳар бири билан кунига 8—10 гектардан ер ҳайдалаётир. Хўжалик меҳнаткашлари шудгорлашни 10 декабргача тамомлашга қарор қилишди. Суратда; (чапдан) Узоқов номли совхоз директори Неъмат Эрназаров, 2-бўлим бошқарувчиси Синдор Ниёзов ҳамда шу райондаги «Правда» совхози машъал бўлим бошқарувчиси, кўргазмали семинар қатнашчиси Эгамберди Ботиров ўртоқлар шудгорлаш сифати ҳақида маслаҳатлашишмоқда.

А. Тўраев фотоси.

## ҲОСИЛНИ СЎНГГИ ЧАНОҒИГАЧА ЙИҒИШТИРИБ ОЛАЙЛИК!

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

Республика матбуот маркази хабар қилади:

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! БУ ЙИЛГИ ОБ-ҲАВО ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИГА ҚАРАМАЙ ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ҲОСИЛИНИНГ БИРОР МИСҚОЛИНИ ҲАМ ЕРДА ҚОЛДИРМАЙ ТЕРИБ ОЛАЙЛИК! ДАЛАЛАРДА КУЗГИ-ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ ЭНГ ҚУЛАЙ МУДДАТЛАРДА ЎТКАЗИБ, БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ ҲОСИЛИ УЧУН МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК! ПАХТАСИ ТЕРИБ ОЛИНГАН МАЙДОНЛАРНИ ПЕШМА-ПЕШ ҒЎЗАПОЯДАН ТОЗАЛАБ, ШУДГОРЛАШГА КИРИШАЙЛИК! АРИҚ ВА ЗОВУРЛАРНИ ТОЗАЛАБ ҚЎЯЙЛИК!

### ФИДОКОРЛИК НАМУНАСИ

Самарқанд, Фарғона, Наманган ва Андижон области пахтазорларида айни кунларда юксак ташкилотчилик, фидокорлик намуналари кўрсатилмоқда. Ёғингарчиликка қарамай, бу областларда пахта йиғим-терими давом этаётир.

### БУВАЙДА РАЙОНИ МАРРАДА

**Фарғона областининг Бувайда райони меҳнат аҳли пахта тайёрлаш плани бажарилганлиги ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекди.** Давлатга 41 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Машиналар ёрдамида 19 минг тонна пахта терилди. Джерзинский номли, «Ленинобод», «Октябрь», Киров номли, К. Маркс номли совхозлар пахта йиғим-терими даврида айниқса зўр натижаларга эришдилар. Райондаги 130 бригада планни ошириб бажарди. 25 бригада эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олди.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан район деҳқонлари яна 4 минг тонна пахта топширишга сўз бердилар.

### ҲАР ГЕКТАР ЕРДАН 51 ЦЕНТНЕРДАН

**Пахтачи районидаги К. Маркс номли колхоз пахтакорлари социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.** Она-Ватанга 9250 тонна пахта топширилиб, ҳар гектар ердан 51 центнердан ҳосил олинди. 20 бригададан 15 таси 50 — 55 центнерлик юксак маррани эгаллади. Хўжалик меҳнаткашлари қўшимча 180 тонна пахта тайёрлашга қарор қилишди.

### УЧ ХЎЖАЛИК РАПОРТИ

**Самарқанд областида яна уч хўжалик маррага етди:** Иштихон районидаги Ленин номли ва Фрунзе номли колхозлар, Пайариқ районидаги «Ленинград» колхози планни бажарди. Бу уч хўжалик умумий миқдорда давлатга 10,3 минг тоннадан кўп пахта топширди. Мажбурият ҳисобига улар яна 1,5 минг тонна пахта тайёрлашмоқчи.

### ДЕПУТАТ БОШЛИҚ КОЛХОЗ ҒАЛАБАСИ

**Балиқчи районидаги «Правда» колхози йиллик планни бажарди.** Бу хўжаликка Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Хайрихон Эргашева бошчилик қилади. Давлатга 2708 тонна «оқ олтин» топширилиб, ҳосилдорлик 33 центнерга етди.

### ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

**Чуст районидаги «1 Май» колхози мирishкорлари пахта тайёрлов пунктларига 3 минг тоннага яқин «оқ олтин» топширишди.** Ҳосилдорлик гектар бошига 34 центнерга етди. Хўжалик аъзолари бу кўрсаткични 37 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

## УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

ЯНГИЙЎЛ. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз заршунослари КПСС XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ эта бориб, пахта тайёрлаш бўйича юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олинди. Ҳосилнинг 4600 тоннаси биринчи сортларга топширилди. Етиштирилган ҳосилнинг 70 проценти машиналар билан териб олинди.

Хўжаликда катта хирмон кўтарган бригадалар оз эмас. Тошканбой Темиров, Ёқуб Сарибоев ўртоқлар бошчилик қилаётган коллективлар шулар жумласидандир. Бу бригадаларда ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтарилди. Деҳқонбой Жуманов, Сайдулла Абдуллаев, Абдували Беминов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда эса пахта ҳосилдорлиги 41—45 центнерни ташкил этди.

Бошманали Темиров, Муродали Тошбоев сингари моҳир механизаторлар, Хонзода Шодмонова, Маҳбуба Марасулова, Зарифа Назарова сингари кўпминг килограммчи теримчилар колхознинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшишди. Пахта йиғим-теримида Янгийўл шаҳар медицина билим юрти, Тошкент область мактабгача тарбия билим юрти талабалари, колхоз территориясига жойлашган етти мактабнинг меҳнатсевар ўқувчилари яхши ёрдам бердилар.

— Колхозимиз коллективи бир неча йилдан буён қардош Тожикистоннинг Регар районидаги Ленин номли колхоз коллективи билан ўзаро мусобақалашиб келади, — дейди хўжалик партия ташкилотининг секретари Бурхон Султонов. — Мусобақадош дўстларимизнинг қимматли маслаҳатлари пахтадан юқори ҳосил етиштиришимизда бизга жуда қўл келди.

## ОФТАЛЬМОЛОГЛАР СЪЕЗДИ

Кўзга юборилган лазер нури одамни зулматдан ёруғликка қайтаради. Ҳозирги замон фанининг практика билан бирга эришган мана шу ютуғи 3 декабрь куни Тошкентда очилган офтальмологлар бешинчи Бутуниттифоқ съездининг эмблемасида акс эттирилган. Бундан аввалги шундай анжумандан бери олти йил ўтди.

Съезд ишида қатнашмоқ учун мамлакатнинг таниқли мутахассислари, барча иттифоқдош республикаларнинг вакиллари Ўзбекистон пойтахтига келдилар. Бу ерда Болгария, Венгрия, Вьетнам, ГДР, Италия, МХР, Польша, Финляндия, Югославия, бошқа чет давлатлардан келган олимлар ҳам иштирок этмоқдалар.

Съездни СССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари А. И. Бурназян очди. У «Аҳолига офтальмология ёрдамининг аҳволи ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» доклад қилди.

А. И. Бурназян таъкидлаб айтдики, совет мутахассислари бундан аввалги съезддан сўнг офтальмология соҳасида катта натижаларга эришдилар. Жумладан, мамлакатда кўз микрохирургияси муваффақиятли ривожланиб, практикага жорий этилмоқда ва у офтальмохирургиянинг бош йўналиши бўлиб қолди. Кўзга сунъий гавҳар қўйишга доир оптик-реконструктив операциялар актив равишда ривожланмоқда. Глаукомани ўрганиш ва даволаш соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Узоқни кўз ўтмасликнинг авж олиши ва унинг оғирлашиб кетишининг олдини олиш методлари ишлаб чиқилди. Совет офтальмологларининг практикасида лазер нуридан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Республика соғлиқни сақлаш министри С. О. Орипов съезд минбаридан Ўзбекистонда офтальмологик ёрдам ташкил этилиши тўғрисида гапириб берди.

Съезднинг биринчи иш куни Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти ва Давлат мукофотининг лауреати, СССР Медицина Фанлари академиясининг академиги Н. М. Краснов, Бутуниттифоқ офтальмологлар илмий жамиятининг раиси, РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби профессор Э. С. Аветисов ва бошқалар доклад қилдилар.

Тошкентда офтальмологлар съезди 7 декабргача давом қилади. (ЎзТАГ).

## К. У. ЧЕРНЕНКО Софияга жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. У. Черненко Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 3 декабрь куни дўстона визит билан Москвадан Софияга жўнаб кетди.

Аэродромда ўртоқ К. У. Черненкони КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудирлари Л. М. Замятин, Н. М. Пегов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

## Д. Ф. УСТИНОВ ВАРШАВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлисида иштирок этмоқ учун 3 декабрь куни Москвадан Варшавага жўнаб кетди.

Аэродромда Д. Ф. Устиновни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев, СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ТАСС).

## А. А. ГРОМИКО ВАН ЮПИН БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Совет—Хитой музокараларида ХХР ҳукумат делегациясининг бошлиғи, ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ван Юпинни унинг илтимосига кўра 3 декабрь куни қабул қилди. Суҳбат чоғида Совет — Хитой музокараларига тааллуқли баъзи масалалар муҳокама қилинди.

Суҳбатда Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев иштирок этди.

(ТАСС).

